



## БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИНИ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ БОРАСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Э.Ш.Маматханов

ИИБ Академияси Магистратураси тинловчиси

### ARTICLE INFO

Received: 12<sup>th</sup> June 2023

Accepted: 19<sup>th</sup> June 2023

Online: 20<sup>th</sup> June 2023

### KEY WORDS

### ABSTRACT

Безориликнинг ижтимоий хавфлилиги ва унинг ўзига хос жиҳатларига мазкур қилмиш учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларининг ривожланиш тарихини ўрганмай, аниқ баҳо бериб бўлмайди.

Адабиётларда “безори”, “безорилик” тушунчаларининг пайдо бўлишини инглиз тилида гаплашувчи давлатлар – Англия, АҚШ билан боғланади. Англияда “hooligan” сўзи тахминан XIX аср ўрталарида тарқалиб, у Лондоннинг жанубий-шарқидаги жуда кўпол, жанжалкаш шахсларга нисбатан ишлатилган ва Prevention of crime Act деб номланган юридик ҳужжатга киритилган.

Ўзбекистон давлатчилиги тарихида жиноят ва жазо белгиланган қонунлар ривожини тўрт даврга ажратиш мумкин: исломгача бўлган давр (VII аср охирига қадар), шариат нормалари амалда бўлган давр (VII аср охирларидан XX аср бошларига қадар бўлган давр), собиқ иттифоқ даври (1920 йиллардан 1991 йилгача қадар бўлган давр) ва ҳозирги, яъни мустақиллик даври (1991 йилдан кейинги давр). Безорилик учун жавобгарлик белгиланган қонунлар ривожланишини ҳам ушбу даврлар билан боғлаб ўрганиш тўғри бўлар эди.

Муаллифнинг мақсади айнан жамиятда жамоат тартибини таъминлашда юриш-туриш қоидалари ва жамоат осойишталигини таъминлаш ҳамда муносиб ҳулқатворда бўлишга асосланган нормалар муҳим аҳамиятга эга эканлиги боис ушбу жиноятни бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилишини тушунчасини ёритиш шу орқали жамиятда, фуқаролар билан тарғибот ташвиқот ишларини олиб боришда ушбу тушунчани мазмунини ёритиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришига хизмат қилишидан умид қиламиз.

Зеро, Ўзбекистон Республикасида мазкур соҳадаги муносабатлар қонун ва қонуности ҳужжатлар ҳамда ахлоқ нормалари, урф-одат ва анъаналар билан тартибга солинади ҳамда жамоат тартибини таъминлаш соҳасидаги муносабатларга таъжовуз



қилишга қаратилган ҳар қандай ҳуқуққа хилоф қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутати<sup>1</sup>.

Назаримизда, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган безорилик жинояти айнан қонун ва қонуности ҳужжатлар ҳамда ахлоқ нормалари, урф-одат ва анъаналар билан тартибга солинади ҳамда жамоат тартибини таъминлаш соҳасидаги муносабатларга тажовуз қилишга қаратилган ҳар қандай ҳуқуққа хилоф қилмиш ҳисобланди.

Шу билан бирганликда бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган безорилик жинояти содир этилишига қараб унинг бошқа жиноятлардан фарқланиши лозим. Жумладан, талнчилик жинояти ҳам жамоат жойларида содир этилиши мумкин лекин матив ва мақсадда кескин фарқланади.

Ўзаро фақлаш борасида ҳуқуқшунос Ф. Худойқулов ҳам ўзининг назарий фикрини билдирган бўлиб, унинг фикрича, гуруҳ томонидан содир этилган майда безориликни, башарти, ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатида Жиноят кодекси 277-моддасининг 1-қисми аломатлари бўлмаса, Жиноят кодекси 277-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан, яъни, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган қилмиш сифатида квалификация қилиш мумкин эмас<sup>2</sup>.

Бу билан фикримизча, ушбу ҳуқуқшунос безорилик жиноятни гуруҳ таркибида содир этганда ҳам албатта биринчи қисмидаги ҳолатлар бўлмоғи лозим. Яъни, мазкур жиноят жамоат тартибига қарши қаратилган бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилади.

Бугинги кунда юртимизда жиноятларни олдини олиш фуқароларга тартибот ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан безорлик жиноятини содир этилишини унинг оқибатларини таълим муассасалари талаба ва ўқувчиларига тушунтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Чунки, хали ёш бўлган талаба ва ўқувчилар ўзлари билмаган ҳолда жамоат жойларида юрган вақтида ушбу жиноятни гуруҳ таркибида содир этиб қўйишмоқда.

Агар тартибот ташвиқот ишларида ҳамда профилактика фаолиятини олиб боришда ушбу жиноятнинг тўлиқ тушунчаси ёритилиб халқ тилида содда қилиб тушунтириб берилса ўйлаймизки ушбу жиноятни бир мунча камай тиришга эришган бўлардик.

Сўзимиз исботи сифатида, гуруҳ таркибида содир этиладиган безорилик жиноятининг аҳамияти борасида сўз юритишимиздан сабаб шуки бугунги кунда Безорилик умумий жиноятчиликнинг 22 фоизини ташкил қилиб, ҳар йили фоизга

<sup>1</sup> Худайбердиев А., Искандаров Ю. Жамоат жойларида содир этиладиган безорилик ҳуқуқбузарликларининг криминологик тавсифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 33-37.

<sup>2</sup> Худойқулов Ф. Безорилик ва майда безорилик учун қандай жавобгарлик бор?. Электрон манба: <https://uza.uz/uz/posts/bezorilik-va-mayda-bezorilik-uchun-qanday-zhavobgarlik-bor-314637?q=%2Fposts%2Fbezorilik-va-mayda-bezorilik-uchun-qanday-zhavobgarlik-bor-314637>. (мурожаат вақти: 22.02.2023 й.)



ошиб бормоқда. Мамлакатимизда мазкур жинойтларга оид статистика маълумотлари унинг «тарқалганлик» даражасини кўрсатади. 2015 йилда безорилик умумий жинойтчиликнинг 3,6 %; 2016 й. – 3,2 %; 2017 й. – 2,5 %; 2018 й. – 2,05 %; 2019 й. – 2,3 %ни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 2,5%ни ташкил этган. Албатта ушбу маълумотларда безорилик оқибатида содир этилган бошқа жинойтлар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар акс эттирилмаганлигини ҳисобга олсак, безориликнинг кўлами янада кўпроқдир<sup>3</sup>.

Безорилик жинойтини гуруҳ таркибида содир этиш кўпайганлиги ва фақат гуруҳ таркиби билан бирга ушбу жинойтни содир этган шахслар қурол ишлатаёгани мавзуимизнинг аҳамиятини очиб беришга хизмат қилади ва долзарблигини англатади.

Фикримизча, гуруҳ таркибида содир этиладиган безорилик жинойтин аҳамияти кўйидагиларда номоён бўўлади:

*биринчидан*, безорилик жинойтини гуруҳ таркибида содир этилганлиги ҳолатлари ошиши ва жинойтларни камайишига эришилмаётгани боис ушбу жинойт юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликдан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, одоб ва ахлоқ нормалари, урф-одат, анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини (одамлараро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари, шаклланган ижтимоий турмуш тарзини) кўпол равишда бузишга сабаб бўлгани учун;

*иккинчидан*, Республикаимизда содир этилаётган жинойтчиликнинг 22 фоизини айнан ушбу жинойт ташкил этаётганлиги ва ушбу жинойтларни олдини олиш чоралари самарали фойда бермаётгани;

*учинчидан*, безорилик жинойтни гуруҳ таркибида содир этишда асосан ёшлар томонидан билиб билмасдан содир этилаётганлиги сабабли ушбу жинойтни тадқиқ этиш аҳамиятни оширади.

Хулоса қилиб айтганда, кўриб чиқилганлар ҳали муаммонинг ҳаммаси эмас ва ҳатто гуруҳ таркибида содир этиладиган безорилик жинойтини квалификация қилишнинг кўпгина ягоналик қоидалари ўзгармас ҳисобланади ҳамда жинойт қонунидаги ўзгаришларга боғлиқ. Шу боис қонунга киритилган ўзгартиш ва кўшимчалар эҳтимол келгусида ушбу жинойтни квалификация қилиш қоидаларининг ўзгартирилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

## References:

1. Норбутаев Э.Х. Административно-процессуальные основы лицензирования оборота гражданского и служебного оружия в республике узбекистан //science and world. – 2013. – С. 29.
2. Нарбутаев Э., Еттибаев Г. Фаолиятни айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботларини янада либераллаштиришнинг айрим масалалари //Общество и инноватсия. – 2021. – Т. 2. – №. 8/С. – С. 385-392. 35. Нарбутаев Э. Лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий табиати ҳамда ички ишлар органларининг рухсат бериш фаолияти //Общество и инноватсия. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 40-47. 84 36. Нарбутаев Э., Еттибаев Г.

<sup>3</sup> Худойкулов Ф. Безорилик ва майда безорилик учун қандай жавобгарлик бор?. Электрон манба: <https://uza.uz/uz/posts/bezorilik-va-mayda-bezorilik-uchun-qanday-zhavobgarlik-bor-314637?q=%2Fposts%2Fbezorilik-va-mayda-bezorilik-uchun-qanday-zhavobgarlik-bor-314637>. (мурожаат вақти: 22.02.2023 й.)



Некоторые вопросы дальнейшей либерализации лицензионно-разрешительных процедур для отдельных видов деятельности //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 8/S. – С. 385-392.

3. Норбутаев Э. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг айрим масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 69-77.

4. Норбутаев Э.Х. Ички ишлар органларининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш фаолияти бўйича ваколатларини таҳлили //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – С. 56-60.

5. Таштемиров А.А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

6. Таштемиров А.А. Йулларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг аҳамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.

7. Таштемиров А.А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 14. – С. 320-327.

8. Таштемиров А.А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31. 43. Таштемиров А.А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.

9. Qushboqov, S., & Yetmishboyev, M. (2022). Jazoni ijro etish muassasalari ishtirokida tuziladigan fuqarolik-huquqiy shartnomalarning mohiyati va ahamiyati. Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences, 2(9), 76-80.

10. Таштемиров А.А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.

11. Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.

12. Qushboqov, S. (2023). Jazoni ijro etish muassasalarining yuridik shaxs sifatidagi tushunchasini yoritishda nazariy tahlil. Центральноеазиатский журнал образования и инноваций, 2(2 Part 2), 49-52.

13. Қушбоқов, Ш. (2023). Юртимизда тадбиркорликни жазони ижро этиш тизимидаги истиқболи. *Models and methods in modern science*, 2(5), 114-117.

14. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.



15. Нарбутаев Э. Административно-правовой характер лицензирования и лицензионная деятельность органов внутренних дел //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 40-47.